

Лаборатория таҳлилларини, тиббий- биологик текширувларини ўтказиш
ва гигиеник хулоса бериш ҳақида

1 - сонли
ШАРТНОМА

« 5 » 01 2022 й.

Тошкент шаҳар

Низом асосида иш олиб борувчи ва бундан бўён матнда «ИЖРОЧИ» деб аталувчи санитария- эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими номидан Бўлим бошлиғи Абдуллаев М.А бир томондан ва Низом асосида иш олиб борувчи ҳамда бундан кейин «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи

МТБ "Б.К." В.С."

номидан Бош директор В.Б.

Атаплатов Д.М.

иккинчи томондан (жамлаганда уларни «ТОМОНЛАР» деб белгиланади) куйидагилар ҳақида шартнома тузишди:

1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

1.1. Шартномада куйида келтирилган ишлар ҳажми ва шартларини «Ижрочи» бажариш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса буюриш ва ўз вақтида тўлов мажбуриятини зиммасига олади:

Санитар хулоса

1.2. Шартнома бўйича ишларни топшириш муддати « » 20 йилгача.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

2.1. Шартнома бўйича ўтказилган ишларнинг тўлови «Ижрочи»нинг Тошкент шаҳар СЭОваЖСХда келишилган нарх-номаси (калькуляцияси) бўйича амалга оширилади ва 590000

Белгиланган нарх сўмни ташкил этади.

Бунда «Томонлар» ишларнинг нархи ҳукумат қарорлари асосида ўзгариши мумкинлиги ва шу ишлар шартномага қўшимча келишув имзоланиши асосида амалга оширилишини келишишган.

Шартнома бўйича ўтказилган ишлар учун ҳисоб-китоб ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлмиш шартнома нархини келишиш протоколи асосида амалга оширилади.

2.2. Шартнома бўйича тўлов «Буюртмачи» томонидан бир вақтнинг ўзида «Ижрочи» нинг ҳисоб рақамига:

- 100% олдиндан пул ўтказиш;
- Аввал 30%, иш бажарилганидан сўнг қолган 70% пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бунда тўлов учун асос бўлиб «Ижрочи» тарафидан ўрнатилган тартибда берилган ҳисоб- фактура ҳисобланади.

3. ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Ижрочи» тарафидан ўтказилган ишларнинг ҳажми бўйича «Буюртмачи»га бажарилган ишлар далолат-номасини ва гигиеник хулоса тақдим этади. Бажарилган ишлар далолатномасини имзоланиши учун асос бўлиб текширув протоколлари ҳисобланади.

3.2. «Буюртмачи» 2 кун ичида «Ижрочи»га ўз тарафидан имзоланган бажарилган ишлар далолатномасини ёки ишларни қабул қилишни рад этган тақдирда, рад этиш асосли сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма маълумот тақдим этиши шарт.

3.3. Таҳлил натижаларига кўра, «Буюртмачи»нинг маҳсулоти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги НТХ, санитария қоида ва меъёрларига ҳамда гигиеник нормативлар талабига мувофиқ келмаган ҳолда, гигиеник хулоса берилмайди, шартноманинг тўлов суммаси эса қайтарилмайди.

3.4. «Томонлар» келишувига кўра, мазкур шартноманинг ўз вақтида ҳисоб- китобини мониторингини ўтказиш мақсадида, «Буюртмачи» томонидан жорий календар ойнинг 10чи кунидан кечиктирмасдан бажарилган ишларнинг ҳажми ва тўлов суммасини солиштириши мумкин. Солиштириш натижасига кўра «Томонлар» 60 календар куни мобайнида ҳисоб- китоблар солиштирма далолатномани имзолашлари шарт ва бу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3.5. Солиштириш натижасига кўра «Буюртмачи» ёки «Ижрочи»нинг қарздорлиги аниқланган ҳолларда, «Томонлар» солиштирма далолатномани имзолаган вақтидан бошлаб 10 кунлик муддат ичида қарзини тўлайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Шартнома шартлари бузилиши, мажбуриятни бажармаган ёки тўлиқ бажармаган ҳолларда, айбдор томон бошқа томонга барча зарарларни ва шунингдек, ўтказиб юборилган тўловни қоплайди, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига асосан жавобгарликларга тортилади.

4.2.Ўзига олган мажбуриятини ўз вақтида бажармаган айбдор томон иккинчи томонга муддати ўтказиб юбо-ри. Хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдориди пеня тўлайди, бироқ, пенянинг умумий суммаси қийматнинг 50% ортик бўлмаслиги керак.

4.3.Томонларнинг ўз мажбуриятларини сабабсиз бажармаганлиги туфайли етказилган зарарни қопланганлиги ҳамда пеня тўлаганлиги шартномада кўрсатилган мажбуриятни бажаришдан озод этмайди (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўрсатилган ҳоллар бундан истисно).

4.4.Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар хўжалик субъектининг мансабдор шахси айби билан бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган ҳолатларда фуқаровий- ҳуқуқий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 35- моддасига асосан юклатилади.

4.5.Мазкур шартнома муддатининг тугаши ҳамда муддатидан олдин тўхтатилиши, томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ёхуд тўлиқ бажармаслик тегишли жавобгарликдан озод этмайди.

5.ШАРТНОМАНИ ТЎХТАТИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.

5.1. «Томонлар» ўзаро келишиб, мазкур шартномага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишлари мумкин. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда камида 5 кун олдин оғохлантирган ҳолда қўшимча келишув қўринишида расмийлаштирилади ҳамда томонларнинг муҳри билан мустаҳкамланади. Барча қўшимча келишувлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, бажарилиши шарт ҳисобланади.

5.2. Томонларнинг келишувига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин. Шартномани бекор қилишдан олдин камида 5 кун олдин оғохлантирилиши лозим.

5.3.Шартнома шартларининг бажаришдан бош тортиш ёхуд унинг шартларини бир тарафлама ўзгартириш мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилгани ҳолатлар бундан мустасно).

6.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

Мазкур шартнома « 31 » 12 2020 йил муддатгача тузилган бўлиб, имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

7. НИЗОЛАР ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1.Мазкур шартнома шартларини бажариш жараёнида юзага келган низолар ва баҳсларни «Томонлар» музокара йўли билан ҳал этади, акс ҳолда эса низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан суд тартибиди ҳал этилади.

8. БОШҚА ШАРТ-ШАРОИТЛАР.

8.1. «Томонлар» ўртасида мавжуд бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган оғзаки келишув ва шартномалар мазкур шартнома имзоланган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ўз кучини йўқотади.

8.2.Шартнома икки нусхада тузилади ва хар бир томон учун бир хил кучга эга.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«БУЮРТМАЧИ»

«ИЖРОЧИ»

СП 000 «Rubicon Wireless Communication»
г.Ташкент, Чиланзарский р-н, ул. Гагарина, 40
Р/с: 2021 4000 6004 5792 7001
ОПЕРУ при ТГУ НБ ВЭД РУз МФО: 00451
ИНН: 201 501 439 ОКОНХ

Тел.:

Рахбар

« 20 »



Мирзо Улуғбек тумани ғазначилик бўлими
х/р: 23402000300100001010

СТИР 201122919

СЭОваЖСХ Мирзо Улуғбек тумани бўлими,
п/и 100197; Тошкент шаҳар, Қарнок кўчаси, 1^а уй.
шахсий х/р: 401422860262697074110054001

АТИБ «Ипотека банк» нинг

Мирзо Улуғбек филиали

СТИР 200540644 БММ 00410

Тел.: (71) 269-75-25 (1) 269-79-77

Бўлим бошлиғи

« 20 » й.



Юридик ҳулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда «Хўжалик субъектлари фаолиятини шартнома- ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонуни талабларига асосан тузилди. Шартнома шартлари, томонларнинг жавобгарлик мезонлари ҳамда келишмовчиликларни ҳал қилиш тартиби шу каби ишларга қўйиладиган қонунчилик талабларига мувофиқ келади.